

МАҲАЛЛА. Бу сўзни эшитганимизда кўз олдимизга киндик қонимиз тўкилган гўша, ўзимиз яшаётган маскан, боринги, майдони жиҳатидан унчалик катта бўлмаган аммо инсон камолоти йўлида муҳим тарбия ўчоғи кўз ўнгимизда гавдаланади. Истиқлол йилларида маҳаллаларимизни янада обод қилиш, унинг фуқаролар ҳаётидаги ўрнини мустақамлаш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, маҳалла фуқаролар йиғинининг жорий қилиниши маҳаллаларимизнинг чирой очиб янада обод бўлишига, фуқароларимизнинг бирдамлигини таъминлашга хизмат қилди десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Бугун маҳалла фуқаролар йиғини томонидан амалга оширилаётган ишлар ушбу тузилманинг бўй-бабини кўрсатмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг учунчи чорагида пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган Биллур маҳалла фуқаролар йиғинида амалга оширилган ишларни мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, юқорида айтганларимизга исбот бўла олади. Хусусан, ушбу маҳалла ҳудудидаги бир қанча майдонлар ободонлаштирилди, чет элга чиқиб кетган фуқароларнинг оила аъзолари билан “соғинч” лойиҳаси асосида суҳбат ўтказилиб, уларнинг айримларига

ОИЛА, МАҲАЛЛА, ДАВЛАТ БУ ТУШУНЧАЛАР БИР- БИРИДАН АЙРО ЭМАС



дам олиш масканларига бепул йўланмалар берилди, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Ички ишлар Бош бошқармаси ходимлари иштирокида маҳалладаги хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш бўйича семинар ташкиллаштирилди.

Шунингдек, Виртуал қабулхонага келиб тушган шикоят ва аризалар бўйича фуқаролар билан учрашувлар ташкил қилиниб, унда кўтарилган муаммолар жойига чиқиб ўрганилди. Мажбурий ижро бюроси ходимлари иштирокида қарздорликларни ундириш бўйича аҳоли ўртасида ва бугунги куннинг долзарб муаммоси бўлган одам савдосига қарши курашиш борасида ҳам тарғибот ишлари олиб борилди.

Бугун мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис, тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 30 таси саккиз турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Яна 10 тасига эса 500 минг сўмдан пул маблағи ажратилди.

Шуни ҳам айтиш керак-ки, ажрашиш ёқасигача келиб қолган ёш оилалар билан суҳбат ўтказилиб, уларнинг оиласи сақлаб қолинди, алимент борасида ҳам тушунтириш ишлари олиб борилиб, қарздорликлар бартараф қилинди.

Албатта, маҳалланинг ободлиги, тинчлиги аввало, у ерда истиқомат қилаётган фуқароларга, қолаверса, ўша маҳалла раисига бориб тақалади. Ахатилла Раҳматов Биллур маҳалласига бешинчи бор маҳалла раиси сифатида сайланиб самарали фаолият юритиб келмоқда. Жумладан, жорий йилда Биллур маҳалласи бешта муҳим ташаббус кўрсаткичи бўйича пойтахтимиздаги 514 та маҳалла ичида 5-ўринни, тумандаги 63 та маҳалла ичида эса 4-ўринни эгаллади. Бунда албатта маҳалла раисининг меҳнатини эътироф этмаслик мумкин эмас. Шунингдек, маҳалла раисининг кўмаги билан мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож Гулмира Турғуновага Сергели туманидан уч хонали квартира олишига ҳам эришилди.

Хуллас, қилган ишининг сони эмас, салмоғи бўлсин, деганларидек юқорида тилга олган маҳалланинг амалга ошираётган ишларининг салмоғи ортмоқда. Албатта, бу борада Биллур маҳалла фуқаролар йиғинига Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳам камарбаста бўлмоқда.

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири